

ТОҢГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТЕБУОТ ҚҲИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 85 (65961)
1996 йил, 16 ноябрь, шанбаСотувда эркин
нархда

БОБОМ АЙТГАН РИВОЯТ

Бизнинг мактабда қадрдон она тилимизнинг байрами тез-тез нишонланади. Бу она тилимизга булган эътиқоднинг мустақамлигидандир. Яқинда мактабимизда тил байрами ўтказилди. Байрамда сузга чиққан ўқитувчимиз Лобар опа Йулдошева ниҳоятда таъсирли гапирди: «Тилда, — деди у, — халқнинг бутуни, эртаси ватан қиёфасида гавдаланади. Тил — бу ўтмиш ва келажак авлодларини яхлитликка, тарихий жонли бир жипсликка айлантирувчи мустақам воситадир. Кимки бирор халқнинг тилига ҳужум қилар экан, уша халқнинг қалбини яралаган булади. Бизнинг қалби-

миз булган она тилимизни куз қорачигидек асрайлик...»

Шунингдек, кечада Феруза Восіқова, Дилдора Мансурова, Дилафруз Мираҳмедова, Саодат Юсупова, Акмал Туроповлар актив иштирок этишди.

Байрам кечамизни якунлаш арафасида мен бобомдан эшитган бир ривоятни кеча қатнашчиларига айтиб бердим. Сезишимча, сиз ҳам бу ривоятга қизиқяпсиз шекилли? Майли, айтсам айта қолай.

Қадим замонда бир шоҳ ўтган экан. Бир кун у донишманд вазирага: «Дунёдаги энг

ширин таомни билмоқчиман. Шу таомни тайёрлашсин», — дебди. Донишманд вабир уша куни шоҳнинг ҳузурига тилни пишириб олиб кирибди. Шоҳ индамай таомни тановул қилибди.

Эртаси куни: «Мен дунёдаги энг бемаза таомни билмоқчиман», — дебди. Донишманд вабир бу гал ҳам тилни пиширтириб шоҳнинг ҳузурига киритибди. Подшоҳ ҳайрон бўлиб вабирдан сурабди:

— Мен сендан «энг ширин таом нима?» деб сурасам ҳам, «энг бемаза таом нима?» деб

сурасам ҳам тилни рупара қилдинг. Бунда қандай сир бор?

— Подшоҳим, дунёдаги энг ширин нарсаси ҳам, энг аччиқ нарсаси ҳам тилдир. Бир ширин суз билан ярадор юракни тузатиш мумкин. Бир оғиз аччиқ гап билан кунгилни хуфтон қилиш ҳеч гап эмас, — деб жавоб берибди.

Бу ривоят барча болаларга ёқди. Кеча сунгида сеvimли газетамиз «Тоғ юлдузи»га обуна бўлиш учун йиғилдик. Юзга яқин ўқувчилар газетаси ёзил-

Бизга ёзадилар

дилар. Шу жумладан мен ҳам обуна булдим. Энди мен «Тоғ юлдузи»га ўзимнинг қизиқарли мақолаларим билан тез-тез қатнашиб тураман. Келгусида журналист бўлиш орзуим бор. Уйлайманки, менинг қаламим сеvimли газетаси саҳифаларида чархланиб боради.

Дилноза ТОҒАЕВА,
Тошкент шаҳридаги
65-мактабнинг 8-синф
ўқувчиси.

ОШТАХТАЮ ЎҚЛОВДАН БОШЛАБ...

Улар аввалига устахонада оштахта, ўқлов, ёғоч қошиқ сингари рўзгор анжомлари ясашарди. Қуларнинг бирида Умиджон исмли бола электр токи орқали бошқариладиган машина моделини ясаб келди.

— Тугарак очсак буларкан, — уз хурсандчилигини яширмасдан ўқувчиларга юзланди меҳнат ўқитувчиси Мансур ака.

Болаларга эса худди шу гап керак эди, қувониб кетишди. Чугурлашганча уз режаларидан сузлай бошлашди. Техник моделлаштиришга қизиққан болаларнинг қўлиги маълум булгач, устоз жиддий ҳаракатга тушди. Тугарак ташкил қилинди. Техника билан мустақил шугулланиб юрган барча болалар унга аъзо бўлишди. Орадан қўп ўтмай эса улар уз «иш»лари билан турли танловларда иштирок эта бошладилар. Юқори баҳога ҳам мушарраф булдилар. Бу иқтидорли ўқувчилар бегона эмас, уз Ватандошингиз, уз тенгдошингиз. Улар Сурхондарё вилоятининг Сарийоси туманидаги 18-мактабда ўқишади.

Суратда: бўлажак конструктор Умид Бойназаровнинг (чапдан) радио орқали бошқарилувчи машина модели барчага маъқул бўлди. Меҳнат ўқитувчиси (ўнгдан иккинчи) Мансур ака Ҳақназаров эса ҳар ишда бу болаларга қўмақдон — устоз.

Сураткаш
Р. АЛБЕКОВ.

Меҳрибон, меҳри бор муаллим



АСОСИЙ РОЛЛАРДА ЎҚУВЧИЛАР

Яқинда Бухоро шаҳар туқимачилар маданият саройи жамоаси «Бойчечак» деб номланган театрлашган томоша намойиш этди. Унда болалар ҳаёти, ички дунёси, шўхлиги қувончлари акс эттирилган. Томошани еш режиссер Ҳамид Исмоилов саҳнага олиб чиқди. Асосий ролларни Жаҳон Рузиев, Чори Жумаев, Нигора Жумаева, Инобатхон Қўлдошева каби мактаб ўқувчилари ижро этганлиги айниқса зўр булди. Ростини айтсам, бу дўстларингиз саҳнада ўзларини ҳақиқий актёрдек ҳис қилишарди.

«ДОИРАДА ШОДЛИК АКС ЭТАР»

Қўқон шаҳар маданият уйида «Зарб» болалардан иборат доирачилар ансамбли мавжуд. Яқинда улар «Доирада шодлик акс этар» деб аталган дастур намойиш этишди. Унда турли-туман доира усуллари, тую-тантаналарнинг дарақчиси бўлмиш қадимий созимиз ҳақидаги қўллаб ҳикоялар урин олган эди. Ансамблининг бадий раҳбари Азимжон Ашуров ташаббусида ўтказилган бу тадбир ёшларда доирага нисбатан қўқчи қизиқиш уйғотди.

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ҚУЛАДИ

Чортоқ шаҳар қўғирчоқ театри жамоаси жажжиларини янги саҳна томошаси билан мамнун этди. Ўзбек халқ эртаклари асосида яратилган ўшбу «Лақма бури саргузаштлари»ни сиз ҳам бир курмадингизда. Асосий ролларни жудаям эплаган мактаб ўқувчилари Ҳалимаҳон Давлатова, Матлуба Абдураззоқова, Анвар Муродовларга албатта раҳмат айтган бўлардингиз. Саҳналаштирувчи режиссер Азимжон Азизовнинг отасига раҳмат-э.

Гўзаллик оламида

БОЛАЛИКНИНГ ОЛТИН ДАМЛАРИ

Ёшлиқнинг қайтарилмас, шуқуҳи, болалик қувончлари, қўй ва қўшиқлар, мафтункор рақслар... Ўққудуқ тумани маданият уйининг «Навруз» болалар ашула ва рақс ансамбли аъзолари ана шундай дастур тайёрлашди. «Болаликнинг олтин дамлари» деб аталувчи ўшбу концерт томошалари турли мактаб саҳналарида, болалар муассасаларининг кичкинтойлари ҳузурига намойиш этилмоқда. Ансамблининг бадий раҳбари Озодаҳон Эргашева, бу ишда бор маҳоратини аямаганлигини «Навруз»чиларнинг чиқишларини томоша қилишга муяссар булганларгина дўддан ҳис қилишади.

БОБОЛАРДАН МЕРОС НАВОЛАР

«Достон» болалар ансамбли Хива шаҳар маданият уйи қўшида ташкил этилган. Жамоанинг янги дастуридан жой олган «Боболардан мерос наволар» концерти халқ оғзаки ижоди намуналарига бойлиги билан ажралиб туради. Ансамблининг бадий раҳбари Матқўб Абдуллаев Хоразмнинг узига ҳос достончилик санъати намуналари, айтишувлар, лапарлардан яхши хабардорлиги ва уни севиши боис булса керак, ёш дўстларига ҳам бу тўйғуни сингдириб келаяпти.

Салоҳиддин СИРОҶИДДИНОВ,
Ўзбекистон Маданият ишлари
вазирлиги ахборот бўлими
мутахассиси.

МЕН СЕВГАН «ФИЛЬМС»

Мен ҳинд халқи тарихи, урф-одатлари, айниқса, киносанъати-га қизиқаман. Уларнинг олижаноблиги, одамийлиги, соф муҳаббатни қадрлаш ҳудди бизга ўхшаб кетади назаримда. Шу сабаб ҳам ҳиндлар ҳаётига оид китоб, журналларни топиб ўқийман, қўшиқларининг сузини тушунмасам ҳам, оҳангини хиргойи қилиб юраман.

Дадажоним шоир, журналист булганлари учунми менинг бу ҳавасимни қўллаб-қувватлайдилар. Айниқса, ҳинд киноси ҳақида ҳикоя қилувчи МДХ даги ягона ойнома «Фильм'С»нинг ҳар бир сонини менга келтириб берадилар. Бу ойномани мана, икки йилдан бери мунтазам ўқиб келаман. Унда ранг-баранг воқеалар ҳақида ҳикоя қилинади, нодир суратлар босилади.

«Самандар» деб номланувчи Ўзбекистон — Ҳиндистон қўшма корхонаси нашр этаётган бу ахборот-тижорат ойномасига Мухтабар опа Қаримова раҳбарлик қиладилар. Бош муҳаррир уринбосари Ўбайдулла ака Абдуҳошимов ва бошқалар бутун маҳоратларини ишга солиб, унинг қизиқарли чиқишига ҳаракат қилишлари ҳар бир сондаги мақола ва суратлардан билиниб туради. Шунинг учун ҳам журналнинг бу йилги сонларида Равина Тандо, Амир ва Фейсал, ажойиб санъаткор Сапру, ўзи ҳақида мароқ билан гапириб берган Шридеви, кино-юлдуз Ойша Жулқа, Фуад Хон, Пуша Беди, Жухи Чавла, Сангита Биҳлани... каби юзлаб кино санъатининг юлдузлари ҳақида қўллаб-қувватловларни билиб олдим.

Синфдошларим билан бирга маслаҳатлашиб 1997 йил учун ана шу биз яхши курайдиган «Фильм'С» ойномасига обуна бўлишга аҳд қилдик. Чўнки у бизнинг дўст Ҳиндистон ҳақидаги билимимизни бойити, кино санъатига булган меҳримизни оширади.

Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан кейинг хорижий мамлакатлар билан маданий алоқалар янада мустақамлашиб бормоқда. Биз чет эллардаги маданий ҳаётни қанчалик яхши билсак, келажакда улар билан мулоқот қилишимиз шўнчалик осон булади. Шунинг учун тенгдошларимга ҳам «Фильм'С» ойномасини ўқилиш тавсия қиламан.

Муножат ФАЙЗИЕВА,
Тошкентдаги
236-мактабнинг 10-синф
ўқувчиси.

Нозик мажлислар

Қиш кунларининг бири эди. Уғлимни ухлатиб, эндигина китоб уқишга тутинган ҳам эдимки, эшик устма-уст, айна пайтда безовта тақиллади. Сесканиб кетдим. Қизиқ, ким булиши мумкин ярим тунда?

— Ким? — сурадим қўрқипа.

— Мен. Ниҳоятда ожиз бир овоздан узимга келиб, эшикни очдим. Остонада айна қиш палласи гўё ёдидан кутарилгандай ниҳоятда юпун кийинган 15—16 ёшлар чамаси бир қиз мунгайиб турарди.

— Сизга ким керак? — сурадим ундан...

У бўлса ҳолдан тойган бир алпозда: «Кирсам майлими?» — дея олди холос.

Унинг совуқдан кўкариб кетган лаблари, қарахт бўлиб қолган бутун вужудидан бахтсизлик анқирди.

Нотаниш қиз кира солиб печкага суяниб олди. Унинг ҳоргин кузлари юмила бошлади. Мен ҳайрон эдим. Унинг менга жавоб беришга мажболи етмаса нимани ҳам сурардим. Унга печканинг олдида жой қилиб бердим.

Қиз жуда чарчаган экан, тошдай қотди.

Менинг эса юрагимда беғона таҳлика уйғонган эди. Тун бўйи мижжа қоқмай чиқдим.

Тонг отди. Уғлимни боғчасига олиб бордим, ҳамон бемаҳалги меҳмоним уйғонмасди.

Охири сабрим тугади. Уни уйғотдим. Меҳмон аввалига менга узок тикилиб қолиб, бу уйга қандай қилиб келиб қолганини хотирлай бошладди шекилли, бирданига хушёр тортиди. Унинг ёшига номуносиб тарзда заҳил торган юзи, ич-ичига ботиб кетган кузларида азобнинг излари бор эди.

— Опа, тунда сизни безовта қилганим учун кечиринг. Бошқа иложим йўқ эди. Кеча кун бўйи ҳеч бўлмаса исиниб олгани жой изладим. Ҳамма мендан ҳазар қилгандай эшигини юзимга ёпди. Сизга раҳмат — деди нотаниш меҳмоним миннатдор боқиб.

— Синглим, танишиб олайлик, исмингиз ким, қаердансиз, нима қилиб юрибсиз, — унга саволларни қалаштириб ташладим.

Исмим Назира, Самарқандданман...

Назира негадир укириб йиғлаб юборди. Мен довираб қолдим. Ҳеч нарсани тушунмасдим.

НАЗИРАНИНГ ХИКОЯСИ

Ота-онам жуда яхши жойда ишлайди. Оилада икки фарзандимиз. Мен ва укам Фаррух. Биз жуда иноқ яшардик. Ота-онамиз нима десак кўнглимизга қарар, биз ҳам уларни ҳурма-

сабатимни ҳеч қачон узмадим.

Бир куни дарсдан кейин уни уйига бордик. Ушанда биринчи марта унинг онасини кўрдим. Юзлари, лабларини бўяб олган бу аёл назаримда қизига бемехрдек туюлди. Уша куни Лолаларнинг уйида 3—4 та амакилар ичиб утиришган экан. Уртоғим уларни қариндошларимиз, деб таништирди. Кейин магнитофон қуйишди. Мен билан Лола нима роса уйнатишди. Орадан ан-

доирачи йигит қушилди. У тинимсиз менинг рақсга тушишимни мақтар, бу мақтовлардан бошим кукка етарди. Мен энди аввалги Назира эмасдим. Беҳаё давралар мени уз услубига мослаб олган эди. Хуллас, уша доирачи йигит билан севишиб қолдик. Эндигина 16 ёшга қадам қўйган мен гўр қиз онамни алдашни билибману, мени ҳам кимдир алдашни мумкинлигини уйламабман.

НОТАНИШ МЕҲМОН

тини жойига қўярдик.

Ҳамма балю синфимизга янги келган Лола деган қиз билан дўстлашимиздан бошланди. Лола жуда келинган қиз эди. Нима қийса ярашар, қилиқлари унга ёқимли жозиба бахш этарди. Бутун синф унинг атрофида гирдикапалак бўлиб қолдик, Лола эса кимнинг отаси қаерда, онаси қаерда ишлагани обдон суриштириб, кейин дўстлашарди.

Лола билан ниҳоятда яқинлашиб кетдик, баъзан дарс тайёрлашга у бизникига келса, баъзан мен уникига борардим. Ҳар гал унинг уйида ҳеч ким бўлмас эди. Мен ундан онасини қаердалигини (дадаси ажралиб кетган экан) сураганимда узок қариндошимизникига кетган деб жавоб берарди. Лоланинг уйи ниҳоятда ҳашаматли эди. Шундай қилиб кунлар утаверди. Бир куни Лола Навруз байрамини нишонлаш маросимида шунақа ҳам ясашиб келдики, ҳаммамизнинг оғзимиз очилиб қолди. Унинг гузаллиги яна ҳам очилиб кетгандай туюлди бизга. Дугоналаримиздан бири унинг бармоқларидаги чиройли қўзли узукларини кўрсатиб, вуй анавунини ёнишини кўринг, — деди ҳаяжонланиб. Ҳаммамиз «гу-ув» этиб унинг келинган бармоқларига қарадик. Лола гўё бунини сезмагандек, беписанд: Бриллиант бу, — деди. Қизлар чувиллашиб, умримизда кўрмаган, фақат эшитган бриллиант қўзли узукни ушлаб қуришга интилардик. Лолага бу хуш ёқар, гўёки ҳаммани бепарво кузатарди. Уша кундан бошлаб Лолага бўлган ихлосим яна кучайди. Онам орқаворотдан эшитган экан шекилли, бир куни мени ёнига утқазиб: «Уша қизга камроқ яқинлаш, онасини суяқоёқ дейишади» — деди. Мени бу гапдан жаҳлим чиқиб кетди. Онам бечорани гийбатчиликда айбла-

дим. Лола билан бўлган муно-

ча кунлар утди. Лола тез-тез мактабга келмайдиган одат чиқарди. Уқитувчимиз ундан хабар олишга мени жўнатди. Борсам, Лола эндигина онаси билан қаердан келиб, дам олаётган экан. Мен ундан нега мактабга бормаётганлигини сабабини сурадим. «Мактабни бошимга урамани, 8-синфни битириб олсам бўлди, уёгини узим биламан». — деди кибр билан. Суҳбатимизга унинг башараси бўялган, бемехр онаси қушилди.

— Тугри-да, мактаб сенга оштон, пул берадими, қизимга қанча диплом керак бўлса, сотиб олиб бераман, вақти келса, уқитувчининг ҳам оғзини пул билан мойлаб қўяман, — дея беухшов кулди.

Лола мени ётоқхонасига судраб, узининг зеб-зийнатлари, кийим-анжомларини куз-куз қиларкан, «Сенда ҳам шунақа нарсалар булишини хоҳлайсанми?» — деб суради.

— Қандай қилиб? — илинж билан қарардим унга.

— Жуда осон. Фақат онангни бир икки марта алдашингга тугри келади.

Титраб кетдим. Онажонимни ҳеч қачон алдамаганман. Энди қандай қилиб алдашим мумкин?

— Вой-буй, бунча куп уйланинг, осмон узилиб ерга тушадими? Онанг-ку ахир, билиб қолса кечирим сўрасанг, кечиради-қўяди. Ҳамон уз фикрини маъқулларди Лола.

Мен кундим. Энди билсам, мен бошимга тушажак кургуликларга кўнган эканман.

Шундай қилиб онажонимни алдаш санъатини қўлаб, ҳали бу уртоғим, ҳали у уртоғимникида эдим, деган баҳоналар билан туйларга чиқа бошладим. Аксарият туйлар қишлоқларда утарди. Уша туйларнинг бирида турушимизга бир келинган

Мен уша давраларга шу қадар мослашиб кетган эдимки, гуруҳга қўшилиб спиртли ичимликлар ичиш оддий ҳолга айланди. Уша кир кунларнинг бирида, 16 ёшимда, беғуборлигим, бокиралигим мени ташлаб кетди.

Бир куни онажоним мендаги узгаришдан хавотирланиб: «Қизим, соғлигингдан хавотирлама,» — деди. Уша куни мени духтирга олиб борди. Духтир онажонимга хавотирли қаради... Онам сочларини юлиб йиғлади. Мени, узини, дунени қаргади.

«Бир иложини топинг, духтиржон, бўлмаса мен улиб қоламан», — деди.

Духтир бошини сарак-сарак қилиб: «Энди кеч», — деди. Онам мени қистовга солди. Мен ҳамма-ҳаммасини яширмай айтиб бердим. У мени зўрлаб Лолаларникига олиб келди ва унинг онасига: «Бировнинг фарзандини шунақа ҳам хўрлайдими, уялмайсизми?» — деб қаттиқ-қаттиқ гапирди. Ётоқхонасидан маликалардай солланиб Лола чиқиб келди. Онамга беҳаёлларча тикилиб: «Жуна-жуна бу ердан, қизингнинг узи ҳаммасига сабабчи. Мана, сендан яширган кийимларини қуриб қуй», — деб туйдан йиққан либосларимни юзига отди. Онам кийимларни телбаларча қучоқлаб, ҳовлига олиб чиқиб, қалтираётган қўллари билан ут қўйди.

Онамни суяб уйга олиб келдим, Энди онам давраларга, туй, азаларга аралашмай қўйган эди. Мен эса мактабга боришга уялардим. Ҳар иккаламиз ҳам дадамдан қўрқардик. Ва ниҳоят, биз қўрққан уша кун келди, Дадам мени оқ қилиб уйдан ҳайлаб юборди. Мана, ҳозир иккинчи йил, онамни соғиниб, кўргим келади. Лекин иложим йўқ.

Сарсон-саргардонликда фар-



зандим ҳам нобуд бўлди. Балки узим шуни истагандирман. Ҳозир ачинаман. Менга ошиқу беқарор бўлган доирачи йигитнинг олдида борсам: «Мен сени танимайман» — деди. Тугри қилди, менинг кузим очилди. Онасини алдаганини, худо алдайди, дейишади-ку, ахир».

Назира хикоясини тугатганда тамом ҳолдан тойган эди.

— Опа, икки кундан буён туз тотган эмасман. Қорним оч, — деди у беҳолгина. У овқатланиб бўлгач, — Энди нима қилмоқчисиз? — деб сурадим.

— Нима ҳам қилардим, ота-онамнинг ҳузурига қайтаман, Фарзандиман-ку, кечиринг ахир?! Бошқа йўлим йўқ.

Унинг овозида афсус, надомат бор эди. Энди у ёлғондан, ёлғончилардан узининг ҳақиқати билан уч олиб яшайди.

Билмадим, Назиранинг ота-онаси кечирингидими, йўқми. Аммо, 16 ёшнинг орзулари, беғубор туйгуларнинг гузаллиги, бокиралиги уни кечира олармикин?... СИ² НИМА ДЕЙСИЗ?

ЮЛДУЗХОН.

ОЙБАРЧИНДЕК ҚИЗ БЎЛСАК...

Қадимда қўпгина узбек аёллари худди Ойбарчин сингари чавандозликдан, қиличбозликдан, камон отишдан хабардор бўлишар экан. Муаллимамининг айтишларича, жуда-жуда қадимда хотин-қизлар ҳатто жанглarda ҳам қатнашишар, мабодо Ватанга душман ҳужум қилиб қолса, дарҳол уларга қарши отланишар экан. Ахир аёл зоти муҳаббатда қанчалик тегишсиз бўлса, уларнинг нафрати ҳам шунчалик кучли бўлади.

Шуларни уйлаганимда негадир ҳаяжонланиб кетаман. Қа-

нийди, мен ҳам уша давр қизлари каби эпчил, чапдаст бўлсаму, Ватанимни ёмонлардан асрашга шай турсам!

Ушбу ниятлар мени мактабимизда фаолият курсатаётган таэквондоч қизлар тугарагига стақлаб борди. Ҳозир шу спорт турига даҳлдор адабиётларни, газета ва журналларда босилган мақолаларни излаб ўқияман.

Бу қиз спортнинг кетидан қувиб бошқа нарсаларни уну-

тибди-да, деган ҳаёлга борманг. Ҳалиям барча фанларни севиб ўқийман. Айниқса, адабиёт ва биология дарслари жонудилим. Балки бу адабиёт уқитувчимиз

Таклиф

Журахон опа ва биология уқитувчимиз Сабоҳат опанинг ниҳоятда кенг қамровли ва қизиқарли дарс утишларидандир. Улар фақатгина дарс мавзуси билангина чегараланиб қолмай, ҳозирги кундаги воқеалар, қи-

зиқарли хабарлар, дунёвий илмлар ҳусусида ҳам тўхталишади.

Яқинда Журахон опам маънавият чироғи бўлмиш Жомий, Навоий, Румий каби алломалар ҳақида дарс утаётди, «Тонг юлдузи» саҳифасида чоп этилган Румий маснавийларини ўқиб бердилар. Ундан узимиз учун бир дунё маъно уққандай бўлдик. Шундан сўнг бутун синфимиз ўқувчилари «Тонг юлдузи» газетасига обуна бўлиш ҳақида уйлаб қўйгандилар. Ниҳоят фур-

сат келиб, бу ниятимизга етдик. Энди мактабимиздаги бошқа синф ўқувчилари ҳам сеvimли газетамизга обуна бўлишмоқчи.

Азиз таҳририят! Сўзим охирида сизларга бир илтимосим бор: таэквондо ва унинг келиб чиқиши, Ўзбекистонимизнинг ойбарчин келбатли спортчи қизларимиз ҳақида хикоялар бериб борсангиз. Шунда тугарагимиздаги барча қизларнинг қувончига қувонч қўшиларди.

Зарнигор НОРМАТОВА,
Тошкентдаги
113-мактабнинг
9-синф ўқувчиси.

Истиқлол туфайли вилояти-мизда янги типдаги таълим муассасалари 50 тага етди. Утган уқув йилида бундай лицей ва гимназияларни 520 уқувчи битириб чиққан бўлса, уларнинг 339 нафари олий уқув юртлирига кирди. Бешарикдаги умумтаълим лицейини тамомлаган 45 уқувчининг 35 таси, Марғилондаги 1-лицейни тутатган 57 уқувчининг 44 таси, Фарғона шаҳар 1-лицейни тамомлаган 54 уқувчининг 53 таси олий уқув юртлирига кирди. Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги «Фарғона угил болалар лицейи»ни бу йил 49 уқувчи инглиз тилида ўқиб тамомлашди ва уларнинг ҳаммалари талаба бўлишди. Етти нафари Туркия олий уқув юртлирида, 2 нафари Малайзияда, бири эса Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида энг юқори балл билан қабул қилинган кувонтиради. Бунини сизларга нега айтаяпман? Азиз уқувчилар, ҳаяжонимдан, кувончимдан айтаяпман. Истиқлолнинг бахт қуши бошимизга кўнгани рост. Уни қочирмаслик, урганиб ва ургатиб олишимиз учун имкониятлар излашимиз керак. Вилоятимизда 561 минг 918 уқувчи 865 та умумтаълим мактаблари ва 44 та ҳунар-техника билим юртлирида таълим-тарбия олар экан, мактабдан ташқари 105 та тарбия масканларида 59 минг 851 уқувчи 4550 та тугаракларда буш вақтини утказар экан, 1270 та мактабгача болалар муассасаларида 163 минг 855 кичкинтой тарбияланар экан. Ҳаммаларига ака-опалари мақсад сари қандай илгарилар бошлаганини, олий даргоҳлар талабаси бўлиб, ҳатто чет элларда ҳам иқтидорларини намойиш қила олганларини айтишим мен учун шараф. Юртбошимиз катта-ю кичикнинг диққат-этиборини еш авлоднинг таълим-тарбиясига қаратаётгани сабаб мактабга ва еш авлодга жонқуярлар, яъни хомийлар купайиб бормоқда. Вилоятимиздаги қувасойлик ишбилармон «Имкон ЛТД» фирмасининг бошлиғи Набижон Маҳмудов барча ишбилармонлар учун намунали ишни амалга оширди. У ўз маблағи ҳисобига Қувасойнинг «Пастки валик» қишлоғидаги 14-мактаб учун 422 уринли замонавий бино қуриб берди. Қаранг, ота-акаларингиз сиз ҳақингизда қайғуриб бир вақтлардагидек, ҳукумат қуриб берар, деб утирмай, замонавий мактаб қуриб беришни бошлади. Фарзандларим шинам хоналарда қишда совуқ смай, ёзда иссиқдан лоҳас бўлмай эркин билим олсинлар, дейишга ўтдиларми, энди бугега узгача бўлади! Мактаб замонавий ва жаҳон андозалари асосида жиҳозланиб, гимназияга айлантирилди. «Пастки валик» қишлоғидан танлаб олинган 400 нафар иқтидорли болалар биология, химия, чет тили ва она тили йўналиши бўйича пухта билим олмақдалар.

Набижон Маҳмудовнинг бу

ташаббуси қулоч ёймоқда: Фурқат туманидаги «Фурқат» жамоа ҳужалиги райси, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати Маъмуржон Собиров ширкатлар уюшмасининг замонавий биносини иқтидорли фарзандлари учун лицей-интернатга бериб юборди. Ҳозирда бу ерда 200 дан зиёд болалар камолот пиллапояларини босиб утмоқдалар. Бағдод тумани ҳокими, Ўзбекистон Олий мажлиси депутати Абдуқаҳҳор Абдусаматов эса 400 га яқин ишбилармонлар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг раҳбарларини йиғиб, «Қувасойлик Набижон Маҳмудовдан урناق олайлик, сизнинг ҳам саховатлигингизга ишонамиз. Йўқ деганингиз, битта синф хонасини мукамал таъмирлаб ва таъминлаб,

Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди. Биз бу булоқларнинг зилол сувида баҳраманд бўла бошладик.
Ислом Каримов.

би очади.

— Қачон?

— Келаятган шанба кунини, — бамайлихотир жавоб беришди яна.

Иложсиз нарса йўқ экан. Оллоҳдан нажот сураб, ҳаракатга тушган одам имкон топар экан. Тумандаги 45 та мактабда ишларини қойил қилиб қўйган устоз ва мураббийлар, мактаб директорлари билан маслаҳатлашдим. Ҳар қайси мактаб директорига биттадан кабинет тегди. Масалан, физика кабинети теккан мактаб директори ду-

лиз ва рус тилини мукамал ургандилар. Энди юқори синфларда учинчи тил урганиш режалаштирилмоқда. Мактабларда оддий бассейнлар қуриб, 1—6-синф уқувчиларини сузишга ургатишни ният қилгандим. Ташаббусимиз вилоятда яхши қабул қилинди. Эндиликда 186 та шундай бассейн ишлаб турибди.

Вилоятимиз уқитувчилари учун «Устоз» газетасини ташкиллаганмиз. «Устоз» телестудияси ҳам 85 мингдан зиёд маорифчиларимизга улкан аудитория бўлиб, таълим янгиликлари, устоз тажрибалари, илғор уқитувчиларнинг дарс услублари билан таништиришда имкон яратмоқда. Юқори синф уқувчилари тест машғулотларини ҳам «Устоз»дан олмақдалар.



«Тонг юлдузи» газетаси — кечаги «Ленин учқуни» бизнинг ҳампашлик ҳамроҳимиз эди. Аммо уни сўнгги пайтларда вилоятимиз уқувчилари (сонига қараганда) жуда оз нусхада ўқияптилар. Аллақачоноқ ўз йўлини топиб олган, олим ушбу маълумотларни шакллантириш минбарига айлانган газета уқувчиларнинг ҳампашлик ҳамроҳи бўлиши керак. Пахта мавсумида бундан фойдаландик ва 1 кг. пахта учун 2 сум пул қўйилган кунларда обуна учун пул йиғиш қийин бўлмади. Бу йил гарчанд 3,5 мингта «Тонг юлдузи»га обуна бўлишни мактабларимизда шарт қилиб қўйган бўлсак-да, бу сон албатта яна ҳам юқорилашади. Шогирдларимиз ваҳимали киноларни кургандан кура, ур-йиқит, тус-тупалон билан утадиган, қайсидир каналлардан таралаётган эшиттириш ва курсатувларга вақтларини ажратгандан кура, газета ўқишсин. Хат-саводини чиқарсин. Газета маълум маънода савод ойнасидир. Бундай фильмларни курган болаларнинг асаблари бузилиб, жаддор бўлиб қолади. Пулга, ҳатто севганига ҳам куч ишлатиб, етишини керак, деган нотўғри тушунча миясида муҳрланади. Газета эса жамики ютуқларимиз, омадларимиз ақл-кучи орқали эканлигини ўқтиради. Бир ақлли бош, юзлаб ақлсиз бошдан аъло эканлигини баён қилади. Шунинг учун ҳам еш шогирдларимизни китоб ўқишга, газета — журналларга обуна бўлиб, вақтли матбуот билан узлуксиз танишиб боришга даъват этаман. «Тонг юлдузи» саҳифаларида ҳунар эгаллаш, яшашнинг биринчи шарти эканлиги кўп таъкидланмоқда. «Ҳунар-хунардан унар», «Аввал урган, кейин ургат» са-

**Илм — ақл булоғи,
ақл — яшаш чироғи**

ҳифаларидан миннатдоримиз. Иқтидорли болаларни таништириш ҳам ўз урнида. Мен Тошкентда ўтказилган гижжакчиларнинг халқаро курик-конкурсида голиб бўлиб, Президент стипендиясини олишга муяссар бўлган Логон қишлоғидаги 49-мактаб уқувчиси Лазизбек Зокиров ҳақида ҳам мақола ўқишни хоҳлардим. Тўғри, бу ҳақда кичик маълумот берилди, лекин... Мен ўзим Фарғона вилояти уқувчиларининг ижоди билан қизиқар эканман, еш ижодкорларимизни саралаб «Тонг юлдузи» мухбирлар постини ташкиллашга ваъда берман, Лазизжон каби иқтидорли тенгдошлари ҳақида еш ижодкорларнинг ўзлари ҳикоя қиладилар.

Қува туманидаги 14-мактабнинг 5-синф уқувчиси Акбарали Холдоров, Риштон туманидаги 7-мактабнинг 8-синф уқувчиси Нодира Тилаовдиева, Воҳид Каримов, Ином Иброҳимовлар ноёб талантлари, илм-хунари билан бошқалардан ажралиб турадилар. Улар ҳақида ҳам тенгдошлари фахрланиб очерк ва лавҳалар ёзса қандай яхши! Бунини ҳам ўз назоратимга оламан. Ахир биз ўзимиз ҳам «Тонг юлдузи»ни болаликда қанчалар орзу қилиб кутганмиз, унга қалб сирларимизни тўққанмиз, ҳавасларимизни баён қилганмиз. «Тонг юлдузи» республика болаларининг яқка-ю-ягона наشري экан, унга барча бошқарма бошлиқлари бефарқ қарамасликлари керак. Яқинда Халқ таълими вазирлигининг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар бошқармасининг бошлиғи Марат Шафиевич Шафиев билан бўлган суҳбатни ўқидим. Таҳририят ҳайъати сафида Марат Шафиевнинг туриши газетага биз устозлар бефарқ қарамаслигимиз кераклигига ишора. Аммо бунини қарангки, обуна борасида нега бунчалик эътиборсизлик қилибмиз-а? Тўғри, иқтисодий қийинчиликлар бор. Ҳар бир ота-онанинг бир йилга фарзандини «Тонг юлдузи»га обуна қилишга қурби етавермайди. Мен 6 кунда мактабни таъмирлаб, тахт қилганимиз-у боғча-гимназиялар ташкиллаганимиз, вилоятимиз ота-оналарининг ҳар бир синфни тезликда таъмирлаб берганини бежиз таъкидламадим. Демак, қаловини топиш керак. Имконият ахтариш шарт. Наҳотки, Амир Темурдай даҳолар авлоди ўз фарзандларини саводхон бўлиши учун жон қуйдирмаса? Бунга ишонгим келмайди.

Бахт қуши бошимизда. Бу қушни хурқитмаслик — еш авлоднинг маънавий баркамол қилиб улғайтириш демакдир. Бу борада қўлимиздан келганча ҳаракат қиламиз. Ва албатта, ундайлашмиш. Чунки болаларга қайғурмоқ, келажакка қайғурмоқдир.

**Турсунали КУРБОНОВ,
Фарғона вилояти Халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди.**

ОЗОДАЛИКНИНГ БАХТ ҚУШИ

бера оласиз. Мен ўзим фарзандларим ўқитган, қизим, келинларим уқитувчилик қилаётган 8-мактабнинг 4 та синф хонасини замон талабига жавоб берадиган қилиб бераман. Қолганлар ҳам ўз химматини кўрсатсин», деган эдилар. Ишбилармон ота-оналарингиз бу чақирқни сидқидилдан қабул қилишди. Қули баландлари биттадан мактаб биносини, бундайроқлари синф хоналарини мукамал таъмирлаб, 23 кунда Бағдод туманидаги 53 та мактабнинг барчасини янги уқув йилига шай қилиб қўйдилар. Ота-оналарки мактаб учун қайгура бошладиларми, энди чиндан ҳам бу ёғи бошқача бўлади!

Яқинда Бурибой Аҳмедовнинг «Амир Темур» китобини ўқиб чиқдим. Ватанимизнинг ҳар бир фарзанди Амир Темурдан инсонийликни, ишбилармонликни, адолатпарварлик ва меҳр-шафқатни урганиши керак. Бундай китобларни ўқиб улғаяётган угил-қизларимиздан умидимиз катта. Ота-боболар меросига бефарқ бўлмайди, улар. Қадриятлар қадрига етади. Авлодлар анъанасини давом эттиради.


Бундан бир неча ун йиллар аввал дам олиш кунларининг бирида катта даргоҳга чақирилди.

— 11-мактабга қурилатган 624 уринли бинонинг кабинетларини тула техника воситалари билан безатинг, намунали стендлару дераза пардаларига ҳамма-ҳаммасини автоматик усулда бошқаришни ташкилла-ланг, — дейишди. Библио кўйинг, дейишди яна, бу мактабни марказкомнинг биринчи коти-

шанба кунини физика уқитувчиси, устакхона мудир, ёзув-чизув қиладиган уқитувчиси, хуллас кабинетни жиҳозлаш учун зарурий одамларни олиб келиши шарт эди. Барча мактаб директорлари бунга рози бўлдилар. Ахир, Шароф Рашидов очарлида, мактабни. Жума кунини соат 12 да Матлубот бирлашмаси райси қулидан бош-оёқ мактаб формасини санаб олди ва уқувчиларнинг ҳаммасига тақсимладик. Бунини ҳам «қўйнидан тукилса қўнжиги» қабилида ота-оналар ҳисобидан бепул қилиб бердик. Кутилган кун келди.

— Қалай, мактаб ёқдими, ур-тоқлар, — дедилар тантана сўнггида Шароф ота. — Мактаблар билан ишлашни Қувага келиб урганиб кетишсин.

Қўп утмай Анор жамоа ҳужалигидаги болалар боғчасининг очилишида ҳам Шароф Рашидов иштирок этдилар. Имконият топиб, сидқидилдан ишлаб, нафис дидли раҳбарнинг назарига туша олди. Демак, ишлаш керак. Айниқса, ҳар тарафлама эркинликларни ўзимизга бериб қўйган мустақиллик кунларида мустақил фикрлаб, изланиш даркор. Мен вилоят Халқ таълимини бошқараётганимга 10 йил тулган бўлса, кейинги беш йили чиндан ҳам узгача бўлди. 1990 йилда бошланғич мактаб ва боғчани бирлаштириб, «Бошбоғ» мактабининг Низомини ишлаб чиқиб, Халқ таълими вазирлигига топширгандим. Қўп утмай Фарғонадаги 2-болалар боғчаси ва Қўқондаги 22-боғчада уша Низом асосида иш бошладик. Бу ерда таълим олган болалар ҳозирги кунда 5-синфга ўтдилар. Улар аълочи бўлиб қолмай, ин-



КИЧКИНА ДЕНАТ БИЗНИ

Эртақлардаги «Нухатполвон»ни ҳам-
мамиз яхши биламиз. Узи кичик бўлса-
да, кун сайин эмас, соат, дақиқа сайин
улғайиб, катталар қилмаган ишларни,
юмушларни бир зумда бажариб ташлайди.
Севимли газетамиз «Тонг юлдузи» ҳам
худди Нухатполвонга ухшайди, ҳажми
кичкинагина, болалар напри бўлса ҳам
катта ишларга қодир.

Мана яқинда унга юришмаган юмуш-

ларимиздан шикоят қилгандик. Ора-
дан уч кун утиб, 114-алоқа бўлими
бошлиғи Чайко Лидия Александровна,
Мирзо Улугбек тумани алоқа бўлими
бошлиғи Александрюк Валентина Анд-
реевна, шаҳар алоқа бўлими муҳанди-
си Гаффорова Нина Ивановна ва бош-
қалар мактабимизга келиб, ўқувчилар-
римиз билан суҳбатлашди. Утган
йили матбуот тарқатиш соҳасидаги узи-

лиш ва кечикишларнинг сабаблари ҳақида
бафуржа тушунтириш бердилар. Шунинг-
дек, 1997 йилда газета ва журналларни обуна-
чиларнинг уйларига уз вақтида, ҳеч қандай
узилишларсиз етказиб бериш мажбурияти-
ни олдилар. Албатта биз уларнинг ваъдалари-
га ишондик. Ўқувчиларим таътил кунларида
ишлаб топган пулларига «Тонг юлдузи» газе-
тасига ҳеч иккиланмай обуна бўлишди. Обу-
на ишларида бизга 114-алоқа бўлими ходим-
лари яқиндан ердан беришди.

Юришмай турган ишларимизнинг юри-
шиб кетишига сабабчи бўлган узи кичик
бўлса ҳам, сузи уткир «Тонг юлдузи»дан
миннатдоримиз. Қалбимизни, шууримизни
ерутувчи «Тонг юлдузи» йил давомида ҳам-
роҳимиз бўлади. Барча ҳамкасабаларимга,
погирдларимга, ота-оналарга мурожаат қи-
либ, ҳеч иккиланмай «Тонг юлдузи»га обуна
бўлинглар деган булардим. Чунки унинг
ташвишларингизга шерик, қувончингизга
йўлдош бўлишига аминман.

Қуйида погирдларим қандай қилиб пул
йиганларини айтиб беришди. Балки сизга
ҳам уларнинг тажрибалари асқотиб қолар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод
туманидаги 274-мактаб
ўқитувчиси.

«Қалдирғоч» деб номланган адабий туға-
ракка қатнашаман. У жой уйимиздан олис-
роқда бўлгани учун автобусда боришга тўғри
келади. Мен бўлса уртоқларим билан баъзан
пиеда борганим туфайли бир оз маблаг тежа-
дим. Устозимиз Маҳмуда опа Валиева обуна
хусусида гапирганларида, дарҳол мен ҳам
газетага ёзилдим.

Азиза МАХМУДОВА.

Биз 7-«В» синфиди ўқиймиз. Учта қалин
уртоқмиз. Ёзда ҳам бирга ишладик. Қассоб
Аҳмаджон акамга ерданлашдик. Ҳар куни
бизга беш-ун сумдан бердилар. Пулимиз
йигилиб анча бўлиб қолган эди. Маслаҳатла-
шиб, «Тонг юлдузи»га обуна бўлдик.

Маҳмуд, Иззат, Фуркат ЮНУСОВлар.

Обуна мавсуми ҳақида дадажонимга га-
пирган эдим. «Ўқисанг, ёзилавер», дедилар-
да, пул бердилар. Хурсанд бўлиб кетдим.
Энди мен ҳам уларни хурсанд қилмоқчи-
ман. Яъни, тез-тез мақола ёзиб тураман.
Чикса албатта севиладилар-да.

Саида СОДИҚОВА.




Мен ёзги таътилда маҳалламизда очилган фирмалар-
дан бирида ишлаган эдим. Узим учун оз бўлса да, маблаг
йиққандим ушанда. Ҳозир уни сарф-харажат қилиб юриб-
ман. Обуна учун ҳам шу пулдан сарфладим.

Шахриёр НОРБОВ.

Зотдор сигиримиз бор. Ойим сут соғиб, қатиқ ивити-
б берадилар, дарсдан бўш вақтларимда қатиқ сотаман.
Мактабга келсам, синфдошларим обунага пул йигиш-
ган экан, уйга келиб, ойимга айтдим. Шундай қилиб, бир
йил газета ўқийдиган бўлдим.

Аброр ИРИСОВ.



Ҳозир айтишим мумкин бўлган
вақтларимиз. Уни ҳақ китоб ва газе-
тадан қаранг, устозлардан урга-
ганимиз. Кишани ташқарида иш қил-
ганда, қилиб газета ўқийман
этиш миямиз обуна бўлиш.

Нодир ҚОЖИБОВ.

Исёк ҳоҳаманми? Ҳозир чин-
иқул, ҳаважоним ва бошқа-улар
лардан бўлиб ёзилади. Улардан ях-
ши даронал қилишимиз. Чиройли
тўласта ясаб, урганиб олдим.
Дадам қилиб ишлаганим учун обу-
нага пул бердилар.

Камолиддин ХУДОЁРОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

**Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА**

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Офсет усулида
босилди. Ҳажми 1 боёма табоқ
Буюртма — Г -0642.
7691 нусхада босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга тошириш вақти 19.00
Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
• Манзил: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Нашр кўрсаткичи: № 64563
• Телефон:
33-44-25

